

**KOGON TUMANLARARO
IQTISODIY SUDI**

200726, Kogon shahar,
Qorovulbozor shox ko'chasi, 2-uy.



**КАГАНСКИЙ МЕЖРАЙОННЫЙ
ЭКОНОМИЧЕСКИЙ СУД**

200726, город Каган,
проспект Караулбазар, дом 2.

Tel: (0365) 52-4-63-18, Fax: (0365) 52-4-60-87, web site: www.oliysud.uz, e.mail: i.kogon@sud.uz

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
ҲАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ**

Когон шахри 2022 йил 26 май 4-2002-2201/413-сонли иш

Когон туманлараро иқтисодий судининг судьяси М.Болтаев раислигида, судья ёрдамчиси М.Насуллоева котиблигида даъвогар “ [REDACTED] ” масъулияти чекланган жамиятининг, жавобгар [REDACTED] нисбатан тақдим этган даъвоси бўйича кўзғатилган иқтисодий ишни даъвогар вакили Б.Нурматов (2022 йил 14 мартдаги 1-сонли ишончномага асосан)лар иштирокида, Когон туманлараро иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида кўриб чиқиб, кўйидагиларни

а н и қ л а д и:

Даъвогар “ [REDACTED] ” масъулияти чекланган жамияти (бундан буён матнда “даъвогар” деб юритилади) ва жавобгар [REDACTED] (бундан буён матнда “жавобгар” деб юритилади)дан 158.004.763 сўм асосий қарз, 79.002.381 сўм пеня, жами 237.007.144 сўм ундиришни сўраган.

Суд мажлисида иштирок этган даъвогар вакили даъво аризасидаги важларни такрорлаб, жавобгар олдиндан 12.917.053 сўм аванс тариқасида тўлаб берганлигини, даъвогар томонидан пиёдалр йўлагини таъмирлаш ишлари бажарилганлигини билдириб, 158.004.763 сўм миқдордаги асосий қарз ва унга ҳисобланган 79.002.381 сўм пеняни тўлиқ ундиришни сўради.

Суднинг 2022 йил 10 майдаги ажрими билан ишга низо предметига мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учини шахс сифатида Бухоро вилоят Ғазначилик бошқармаси ва Молия бошқармалари жалб қилинган.

Ишда иштирок этувчи шахсларга даъво аризасини иш юритишга қабул қилиш ва суд муҳокамасига тайёрлаш тўғрисидаги ажрим нусхаси почта бўлими орқали буюртма хати билан юборилган. Жавобгарга суд ажрими етказилганлигини тасдиқловчи почта хабарномаси суд мажлиси кунига қадар етиб келган.

Жавобгар ва низонинг предметига мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган Бухоро вилоят бўйича Ғазначилик бошқармаси ва Молия бошқармаси суд мажлиси вақти ва жойи тўғрисида лозим даражада хабардор қилинган бўлсада, суд мажлисида



вакили иштирокини таъминламади, даъво аризаси юзасидан ўз эътирозларини билдирмади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодекси (бундан буён матнда “ИПК” деб юритилади) 170-моддасининг учинчи қисмига кўра иш муҳокамасининг вақти ва жойи тўғрисида тегишли тарзда хабардор қилинган жавобгар, учинчи шахслар суд мажлисига келмаса, низо уларнинг йўқлигида хал қилиниши мумкин.

Суд ушбу қонун нормасини қўллаб, суд муҳокамасини жавобгар ва низонинг предметига мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган Бухоро вилоят бўйича Ғазначилик бошқармаси ва Молия бошқармаси вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим топади.

Суд мажлисига қадар низонинг предметига мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида жалб қилинган Бухоро вилоят бўйича Ғазначилик бошқармаси хат билан мурожаат қилиб, тарафлар ўртасида 2019 йил 10 июлдаги 5-сонли пудрат шартномаси ғазначиликда рўйхатга олинмаганлигини билдирган.

Суд даъвогар вакилининг кўрсатмалари, важларини тинглаб, ишдаги мавжуд ҳамда тақдим этилган ҳужжатларга баҳо бериб, қуйидагиларга кўра даъво талабини қисман қаноатлантиришни лозим топди.

Даъвогар ва жавобгар ўртасида 2019 йил 10 июлда 5-сонли пудрат шартномаси тузилган. Мазкур шартномага кўра даъвогар Қоровулбозор туман, Навбахор МФЙдаги пиёдалар юриш йўлакларини жорий таъмирлаш ишларини бажариш, даъвогар эса бажарилган ишларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олган.

Шартнома шартлари даъвогар томонидан бажарилиб, жами 224.939.334 сўмлик ишлар бажарилган. Ушбу бажарилган ишлар 2021 йил 17 мартда тузилган ишларни топшириш-қабул қилиш далолатномаси, солиштирма далолатнома ва бошқа тегишли ҳужжатлар билан ўз тасдиғини топган.

Бироқ, жавобгар томонидан бажарилган ишлар учун тўловларни тўлик амалга оширмаганлиги учун даъвогар, 2022 йил 16 мартда талабнома билан мурожаат қилиб, шартнома бўйича тўловлар амалга оширилмаганлигини, тўловларни амалга оширилмаганда, пеня тўлашни талаб қилиб, судга мурожаат қилишлиги тўғрисида огоҳлантирган. Жавобгар талабномани оқибатсиз қолдирган.

Шу сабабли низо вужудга келган ва даъвогар судга даъво аризаси киритиб, жавобгардан 158.004.763 сўм асосий қарз ва пеня ундиришни сўраган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси (бундан буён матнда “ФК” деб юритилади) 8 ва 234-моддаларига асосан мажбуриятлар шартномадан, зиён етказиш натижасида ҳамда ушбу Кодексда кўрсатилган бошқа асослардан келиб чиқади.

Аниқланишича, тарафлар ўртасида тузилган шартнома ғазначилик бўлими томонидан рўйхатга олинмаган.



Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги “Давлат бюджетининг ғазна ижроси тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-594-сонли Қарорининг 6-бандининг биринчи хатбошисида бюджет ташкилотларининг товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берувчилар билан шартномалари, шунингдек буюртмачиларнинг Давлат бюджети маблағлари ҳисобига капитал қурилишга оид шартномалари мажбурий тартибда Ғазначиликда рўйхатга олиниши шарт ва фақат у амалга оширилгандан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 112-моддаси биринчи қисмида битимнинг нотариал шаклига ёки уни давлат рўйхатидан ўтказиш талабига риоя қилмаслик битимнинг ҳақиқий эмаслигини келтириб чиқаради. Бундай битим ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмайди.

Фуқаролик кодексининг 115-моддасига кўра битимнинг қонун талаб қиладиган шаклига риоя этмаслик қонунда тўғридан-тўғри кўрсатилган ҳолдагина унинг ҳақиқий эмаслигига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 122-моддаси учинчи бандига кўра, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратилган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси Олий ҳўжалик судининг “Иқтисодий судлар томонидан қурилиш пудрати шартномасидан келиб чиқадиган низоларни ҳал этишда қонун ҳужжатларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 2016 йил 23 декабрдаги 306-сонли Пленум Қарори 2.3-бандига кўра судларнинг эътибори, қурилиш пудрати шартномасида муҳим шартларнинг мавжуд бўлмаганлиги ва шунга кўра шартнома тузилмаган деб ҳисобланиши, агар бундай ишларнинг бажарилганлиги ҳолати тақдим этилган далиллар билан исботланса, бажарилган ишлар қийматини ундириш тўғрисидаги талабни рад этишга асос бўлмаслигига қаратилсин. Бироқ, бундай қурилиш пудрати шартномаси шартлари ва (ёки) қонун ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарлик чорасини (неустойка, фоизлар ундириш, зарарни қоплаш) қўллаш тўғрисидаги талабни қаноатлантириш рад этилади.

Қарорнинг 3-бандига кўра Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодекси 122-моддасининг учинчи қисмига мувофиқ, бюджет ташкилотлари ва бюджет маблағлари олувчиларнинг бюджетдан ажратилган маблағлар бўйича товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб берувчилар билан тузган шартномалари, шунингдек уларга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар улар ғазначилик бўлинмаларида рўйхатдан ўтказилганидан кейин кучга киради. Шунга кўра, қурилиш ишларини бажариш билан боғлиқ низони ҳал этишда тарафлар қурилиш пудрати шартномасини оддий ёзма шаклда тузмаган ҳолда ҳуқуқий муносабатга киришганлиги аниқланса, судлар мазкур қарорнинг [2.3-бандида](#) белгиланган қоидаларни қўллашлари лозим.

ФК 114-моддасига кўра ҳақиқий бўлмаган битим унинг ҳақиқий эмаслиги билан боғлиқ бўлган оқибатлардан ташқари бошқа юридик



оқибатларга олиб келмайди ва у тузилган пайтидан бошлаб ҳақиқий эмасдир. Битим ҳақиқий бўлмаганида тарафларнинг ҳар бири бошқасига битим бўйича олган ҳамма нарсани қайтариб бериши, олинган нарсани аслича (шу жумладан олинган нарса мол-мулкдан фойдаланиш, бажарилган иш ёки кўрсатилган хизмат билан ифодаланганда) қайтариб бериш мумкин бўлмаганида эса, агар битим ҳақиқий эмаслигининг бошқа оқибатлари қонунда назарда тутилган бўлмаса, унинг қийматини пул билан тўлаши шарт.

Кодекс 113-моддасининг учинчи қисмига кўра ўз-ўзидан ҳақиқий бўлмаган битим ҳақиқий эмалигининг оқибатларини қўлланиш тўғрисидаги талабни ҳар қандай манфаатдор шахс қўйиши мумкин. Суд бундай оқибатларни ўз ташаббуси билан қўллашга ҳақли.

Даъвогар томонидан 158.004.763 сўмлик бажарилган ишлар иш хужжатлари билан тасдиқланади.

Суд, шартнома ўз-ўзидан ҳақиқий эмаслиги сабабли унинг ҳақиқий эмаслик оқибатларини қўллаб, бажарилган ишлар қийматини, яъни 158.004.763 сўмни ундиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси 260-моддасининг иккинчи ва учинчи қисмига кўра неустойка билан фақат ҳақиқий талаб таъминланади.

Агар қарздор мажбурият бажарилмаганлиги ёки лозим даражада бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмаса, кредитор неустойка тўлашни талаб қилишга ҳақли эмас.

Мазкур Кодекс 333-моддасининг биринчи қисмига кўра қарздор айби бўлган тақдирда мажбуриятни бажармаганлиги ёки лозим даражада бажармаганлиги учун, агар қонун хужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб белгиланмаган бўлса, жавоб беради.

Жавобгар, қайд этилганларга кўра мажбурият бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмаганлиги ҳамда талаб ҳақиқий бўлмаганлиги сабабли суд, даъвонинг пеня ундириш талабини ҳам қаноатлантиришни рад этишни лозим топди.

ИПК 118-моддасининг биринчи қисмига кўра, суд харажатлари ишда иштирок этувчи шахсларнинг қаноатлантирилган даъво талаблари миқдорига мутаносиб равишда уларнинг зиммасига юклатилади.

Суд, суд харажатларини ундириш қисмини муҳокама қилиб, даъвогар томонидан олдиндан тўланган 2.371.000 сўм давлат божининг 790.023 сўм қисмини унинг зиммасида қолдиришни, жавобгар ҳисобидан даъвогар фойдасига 1.580.976 сўм давлат божи ва 21.600 сўм почта харажатини ундиришни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 157, 170, 176, 177, 179-моддаларига асосланиб

қ а р о р қ и л а д и:

Даъво қисман қаноатлантирилсин.



Даъвогар “ [REDACTED] ” масъулияти чекланган жамияти фойдасига жавобгар [REDACTED] хисобидан 158.004.763 сўм бажарилган ишлар қиймати, олдиндан тўланган 1.580.986 сўм давлат божи ва 21.600 сўм почта харажатлари, жами 159.607.349 сўм ундирилсин.

Даъвонинг қолган қисмини қаноатлантириш рад этилсин.

Даъвогар [REDACTED] ” масъулияти чекланган жамияти томонидан олдиндан тўланган 790.023 сўм давлат божи унинг зиммасида қолдирилсин.

Ҳал қилув қарори бир ойлик муддат ўтгач қонуний кучга кириши қайд этилсин.

Ҳал қилув қарори қонуний кучга киргач ижро варақаси берилсин.

Ҳал қилув қароридан норози томон бир ой муддатда Когон туманлараро иқтисодий суди орқали Бухоро вилоят судига апелляция тартибид шикоят қилиши мумкин.

Судья

М.Болтаев

